

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти молия-
иқтисод ишлари бўйича проректори-комиссия раиси



С.Ф. Маматов

« _____ » _____ 2022 й.

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Қарши - 2022

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

- 1. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома**
- 2. Техник қисм**
- 3. Нархлар қисми**

1. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома

1. Танлов предмети Қарши шаҳри Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти эҳтиёжи учун 30 кв лик комплект монокристал куёш станцияси жихозларини сотиб олиш ва ўрнатиш.

1.2. Танлов қиймати 420 000 000 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.

Ушбу танлов яқунлари бўйича голиб чиккан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун.

1.5. Махсулотни олиб келиш муддати – аванс маблағи утказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. Танлов ташкилотчилари

2.1 Қарши шаҳар Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Қарши шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 225 уй

2.2. Танлов “Буюрмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Карши шаҳар Қарши муҳандислик-иқтисодий институтининг “Буюрмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:
Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридан ортиқроқ айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қаролини бериши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- Шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомала ҳуқуқий лаёқати ва қўл олинган;
- Танлов объектга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибалилигининг мавжудлиги;
- Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Низом маблағлар миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:
Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик режимида бўлганлар; мол-мулк мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, мол-мулкнинг иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий жири бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюрмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб талаб этилади:

- Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:
- Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш ҳужжатларнинг рўйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

-тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

-таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

- 5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
- 5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир.
- 7.1 . Давлат буюрмачиси танлов ҳужжатларига узгартириш киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда курсатилган ахборот ўзайтирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгаришлар киритилади.
- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кунига давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
- 7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тугрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.